



" 24 " декабрь 20 10 у. № БР/31-01/1-34.13/710

" " 20 у. №

**Молия вазирлиги Ғазначилиги
Амалиёт бошқармасига**

**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
Ғазначилик бошқармаларига**

**Қорақалпоғистон Республикаси молия
вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент
шаҳри молия бошқармаларига**

Бюджет ташкилотларига

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ташкилотларининг хақиқатда амалга оширган харажатларининг тикланиши билан боғлиқ саволларига изоҳ тариқасида (Молия вазирлигининг 2009 йил 4 августдаги ММ/03-04-04/342-сонли хатига қўшимча равишда) қуйидагиларни маълум қилади.

Бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102 – қарори билан тасдиқланган “Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ берилган вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага берилганда ҳамда ижара олувчининг фойдаланилган коммунал хизматлари бўйича харажатлар тўлови ижарага берувчи томонидан амалга оширилганда, ушбу ижарага олувчи томонидан тўланган коммунал хизматлар қопланиши лозим.


Шунингдек, бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилган харажатларнинг белгиланган меъёрлардан ортиқ ишлатилган қисми (мисол учун, уяли алоқа хизмати бўйича) ташкилот ходимлари томонидан тикланиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ижарага олувчи томонидан коммунал хизматлар бўйича харажатларни ҳамда ходимлар томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқ амалга оширилган харажатларни қоплашга йўналтирилган маблағлар бюджет ташкилотларининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисобварағига кирим қилинади.

Бюджет ташкилотига харажатларни қоплаш учун келиб тушган маблағларнинг ишлатилиши учун бюджет ташкилотлари томонидан ўрнатилган тартибда бюджет ташкилотининг бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисобварағини кўрсатган ҳолда қўшимча келишув тузилади ва тегишли тўловлар ушбу ҳисобварақдан амалга оширилади.

Мазкур хат талаблари ижроси устидан назорат тегишли ғазначилик бўлинмалари бошлиқлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари зиммасига юклатилади.

**Ғазначилик бошлиғи-
вазир ўринбосари**



Б. Ашрафхонов